

## Намоз тоатларнинг дуридир



14:00 / 19.09.2021 3363

Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш борасидаги воситалардан бири намоздир.

Намоз диннинг устунидир.

Намоз тоатларнинг дуридир.

Намоз нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашнинг белгиси ва ўлчовидир.

Намоз ибодат, тавҳид ва шукр маъноларини чуқурлаштирувчи воситадир.

Намознинг аҳамияти Қуръони Каримда бир қанча оятларда таъкидланган.

Аллоҳ таоло Анкабут сурасида марҳамат қилади:

«Сенга китобдан ваҳий қилинган нарсани тиловат қил ва намозни тўқис адо эт, албатта, намоз фаҳш ва мункардан қайтарур. Албатта, Аллоҳнинг зикри улуғдир. Аллоҳ нима қилаётганингизни билур» (45-оят).

Биз «намозни тўқис адо эт», деб таржима қилган жумлани тўғридан-тўғри, сўзма-сўз ўзбекчага ўгирадиган бўлсак, «намозни тик турғиз» деган маъно

келиб чиқади.

Демак, намоз ўқиш билан намозни тик турғизиш, яъни тўқис адо этиш орасида фарқ бор. Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга «Намоз ўқи», деб эмас, «Намозни тўқис адо эт», деб хитоб қилмоқда. Ҳа, тўқис адо қилинганда, «Албатта, намоз фаҳш ва мункар ишлардан қайтарур».

Мана шу нуқтадан кимнинг намози ҳақиқий, кимники сохта эканини билиб оламиз. Намозни ҳамма ҳам ўқийверади, лекин намозхон фаҳш ва мункар ишлардан қайтмаса, унинг ўқиган намози ҳақиқий бўлмайди. Қачонки намозхон намозни тўқис адо қилса, фаҳш ва мункар ишлардан қайтади.

Ҳасан розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир намоз ўқиса-ю, намози уни фаҳш ва мункар ишлардан қайтармаса, у кишининг ўз намози ила Аллоҳдан узоқ бўлиш зиёда бўлади, холос», деганлар».

Чунки намоз Аллоҳнинг зикридир.

**«Албатта, Аллоҳнинг зикри улуғдир».**

Дунёда Аллоҳни зикр этишдан буюкроқ амал йўқдир.

**«Аллоҳ нима қилаётганингизни билур».**

Жумладан, намозни тўла-тўқис адо этсангиз ҳам, чала, ноқис ўқисангиз ҳам билур. Ундан ҳеч бир иш махфий бўлиб қолмайди.

Ушбу ишда ҳам иймон синови, ҳақиқий мўминни мунофиқдан ажратиш омили яққол кўриниб турибди. Ҳақиқий мўмин синовларга бардош бериб, намозини тўқис адо қилади.

Аллоҳ таоло Муъминун сурасида марҳамат қилади:

«Батаҳқиқ, мўминлар зафар топдилар. Улар намозларида хушуъ қилувчилардир» (1-2-оятлар).

Ушбу оят ила Аллоҳ таоло мўминларнинг зафар топишларига очиқ-ойдин, таъкидланган ваъда бермоқда. Аввалида «батаҳқиқ» сўзи билан бошланган жумла шунга далолат қилади. Қолаверса, жумланинг охирида «зафар топдилар», деб зафар бўлишига ҳеч қандай шубҳа қўймапти. Аслида «зафар топадилар» дейилиши керак эди. Аммо «зафар топдилар»

дейиш «зафар топадилар» маъносидан ҳам кучлидир.

«Хушуъ» қўрқув билан сукунатнинг бирга қўшилганидир. Мазкур зафарга эришувчи мўминларнинг сифатларидан бири намоз ўқиганларида Аллоҳ таоло мақоми ҳузурида қалбларини, вужудларини, ҳаракату саканотларини қўрқинч ва сокинлик ўраб олишидир. Бу ҳолат эса фақат намозни олий даражада қойилмақом қилиб адо этадиган мўминлардагина бўлади.

Ўша мақомга етган мўмин зафардан умид этишнинг битта сабабини ўзида мужассам қилган бўлади. Намозни хушуъ билан ўқимайдиган, қалбида, вужудида, ҳаракату саканотида Аллоҳдан ҳайиқиш ва сокинлик ёғилиб турмайдиган одам намоздаги ҳолатини ўйлаб кўрсин, тезда ўзини ўнглаб олсин.

Аллоҳ таоло Ҳаж сурасида марҳамат қилади:

«Тавозеълиларга башорат бер. Улар Аллоҳ зикр қилинганда қалблари титрайдиган ва ўзларига етган мусибатга сабр қилувчилар ҳамда намозни тўқис адо этувчилардир, уларга ризқ қилиб берган нарсамиздан инфоқ қиладилар» (34-35-оятлар).

Ҳамма фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина таслим бўлиб, итоат этиши керак. Унгагина иймон келтириб, мусулмон бўлиши керак. Ана ўшандагина икки дунё саодатига эришади.

Қуйидаги жумлаларда васфи келган бандалар мазкур башоратга ҳақли бўладилар:

**«Тавозеълиларга башорат бер».**

«Аллоҳ таолога тоат қилиб, ўзини тавозеъли тутган бандаларга башорат бер. Эй Пайғамбар, эй улуғ шаън соҳиби!»

Уларнинг васфлари қуйидагича:

**«Улар Аллоҳ зикр қилинганда, қалблари титрайдиган...»**

Яъни уларнинг қалблари шунчалар пок, Аллоҳнинг муҳаббатига тўлиқки, уларга тарғиб-ташвиқнинг ҳам кераги йўқ. Аллоҳ таолонинг номи зикр қилинса, бас, қалблари титраб кетади.

«...ва ўзларига етган мусибатга сабр қилувчилар...»

Мусибат етганда жазавага тушмайдилар, сабрсизлик қилмайдилар, балки Аллоҳнинг қазосига рози бўлиб, сабр этадилар.

«...намозни тўқис адо этувчилардир...»

Намозни тўқис адо этмасдан туриб, башоратдан умидвор бўлиш асло мумкин эмас.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўплаб ҳадиси шарифларида ҳам намознинг аҳамияти ва фазли ҳақида баёнотлар келган.

???? ????? ????????????? ??????? ??????? ?????????? ? ?????  
????????????? ? ??????: «???????????????? ????? ?????  
????????? ?????????? ?????????????? ?????????????? ???????  
?????? ?????????? ?????????? ?????????????? ????? ?????????? ?????  
????????????? ??????????» ??????????: ??? ?????????? ?????  
????????????? ?????????? ??????: «????????????? ?????????  
????????????????????? ?????????????????? ?????????? ?????? ??????????  
?????????????????» ?????????? ?????????????????? ?????????? ??????  
??????????.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Айтинглар-чи, агар бирингизнинг эшиги олдида анҳор бўлса, у ўшанда ҳар куни беш марта ювиниб турса, унинг киридан бирор нарса қоладими?» дедилар.

«Унинг киридан ҳеч нарса қолмайди», дейишди.

«Худди шунга ўхшаб, Аллоҳ беш вақт намоз ила хатоларни ювади», дедилар у зот».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

**«Руҳий тарбия» китобидан**